

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН КУТУБХОНАЛАРИ ИШИНИНГ 2005  
ЙИЛГИ ОБЗОРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН КУТУБХОНАЛАРИ ИШИНИНГ 2005  
ЙИЛГИ ОБЗОРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти

Тошкент – 2006

78.34 (5Ў)

Ў 26

Илмий - методик бўлим томонидан тайёрланди

*Тузувчи*

*О. Қиличбоев*

*Мухаррир*

*Ҳ. Маматраимова*

**Ў26** Ўзбекистон кутубхоналари ишининг 2005 йилги обзори / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи О.Қиличбоев; Мухаррир Ҳ. Маматраимова.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2006.-44 б.

***КБК 78.34 (5 Ў) я 1***

Ушбу обзорда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналарнинг 2005 йилдаги иш фаолиятлари батафсил, яъни кутубхона фондини ташкил қилиш ва у билан ишлаш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, методик фаолияти, библиографик хизмат, ўлкашунослик ишлари йўналишлари бўйича бажарилган ишлар фактлар асосида таҳлил қилинди. Улар фаолияти жадваллар билан янада яққолроқ таққосланди. Кадрлар ҳақида фикрлар юритилди. Бошқа вазирликлар тизимидаги кутубхоналар тўғрисида умумий рақам кўрсаткичлари келтирилди.

**№ 669 – 2006**

**© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2006 й.**

## КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Республикамызда бугунги кунда турли идора, муассаса ва ташкилотларга қарашли 16 мингдан ортиқ кутубхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улардан энг асосийлари 3-жадвалда келтирилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар сони 2006 йил 1 январь маълумоти бўйича 5745 тани ташкил этади. Шундан 12 та вилоят универсал илмий кутубхонаси (ВУИК), 5 та Республика кутубхоналари: Давлат болалар кутубхонаси ва Республика кўзи ожизлар кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси Республика болалар кутубхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси кўзи ожизлар кутубхонаси.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра тизимдаги кутубхоналар сони 2005 йилда Жиззах вилояти бўйича 2 тага, Самарқанд вилояти бўйича 1 тага, Фарғона вилояти бўйича 2 тага камайган. Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари бўйича эса 1 тадан кўпайган. 2005 йилда кутубхоналар сони жами 3 тага камайган.

Оммавий кутубхоналар сонининг кўплиги бўйича Самарқанд вилояти (743 та), Фарғона вилояти (593 та) ва Тошкент вилояти (501 та) етакчи ўринларда туради (1-жадвалга қаранг).

Сирдарё ва Сурхондарё, вилоятлари кутубхоналарининг раҳбарлари ахборотларни топширмаганлиги сабабли обзорнинг тегишли бўлимларида бу кутубхоналарнинг йиллик иш фаолиятлари ҳақида тўхталмадик.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарнинг 2005 йилги йиғма ҳисоботларини тўлиқ тақдим этмаганликлари сабабли 2-

жадвалнинг, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази эса ўз тизими тасарруфидаги кутубхоналарнинг умумий маълумотларини бермаганлиги туфайли 3-жадвалнинг тегишли каттакчалари тўлдирилмади.

#### КУТУБХОНАЛАР ФОНДИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА У БИЛАН ИШЛАШ

Бугунги кунда республикада фаолият кўрсатаётган асосий кутубхоналар фондларининг аҳволи иловадаги 3-жадвалда акс эттирилган (жадвалга қаранг).

2005 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар (5745 та) фондидаги адабиётлар сони 54899,4 минг нусхани ташкил этади. Шундан 33146,9 минг нусхаси ўзбек тилидаги адабиётлардир.

Вилоят оммавий кутубхоналар умумий фондининг нусхалари кўплиги бўйича Тошкент шаҳри (ўртача бир кутубхонада 23,7 минг нусхада), Тошкент вилояти (13.7 минг нусхада), Наманган (12.7 минг нусхада), Андижон вилояти (12.1 минг нусхада), вилоятлари олдинги ўринларда туради. Республика бўйича эса ўртача битта кутубхонага 9,5 минг нусхадан тўғри келади.

2005 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналар фонди 2004 йилга нисбатан 2300.6 минг нусхага камайган. 2003 йилда оммавий кутубхоналар фонди 785.1 минг нусхага камайган эди. 3 йил ичида оммавий кутубхоналар фондининг 3 млн. нусхага камайиши яхши натижа эмас. Бу ўртача ҳар бир оммавий кутубхонага 537 та нусха китобдан камайганлиги тўғри келади. Умуман ҳар йили оммавий кутубхоналарнинг фонди камайишини кузатиш мумкин. Лекин Қашқадарё (423.3 минг нусха), Сурхондарё (305.5 минг нусха) ҳамда Тошкент вилоятлари (244.4 минг нусха)даги кутубхоналар фонди-

нинг камайиш кўрсаткичлари 2003, 2004 ҳамда 2005 йилларда анча юқори. Кутубхоналар фондининг камайиши ҳар йилгидек жисмонан ва ғоявий жиҳатдан эскирганлиги, кутубхона профилига тўғри келмаслиги, китобхонлар томонидан йўқотилганлиги, кўп нусхалилиги ҳамда бошқа кутубхоналарга берилганлиги сабаблари билан изоҳланади. Бухоро вилоятининг ахборотида келтирилишича: кутубхона фондидан чиқарилаётган адабиётларнинг кўпчилигини тўзиган адабиётлар ташкил этган. Жумладан вилоят бўйича 50.8 минг нусхада адабиётлар кутубхоналар фондидан чиқарилган бўлса, шундан 49.3 минг нусхасини тўзиган адабиётлар ташкил этган. Соҳалар бўйича таққослаганда эса 50.8 минг нусхадаги адабиётлардан 39.3 минг нусхаси болалар ва бадиий адабиётларга тўғри келади. Китобхонлар томонидан йўқотилган адабиётлар ҳам кўпроқ болалар ва бадиий адабиётларга тўғри келган. Демак, бундан болалар ва бадиий адабиётлар кутубхоналарда бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ ўқилади ва натижада тез эскиради, деб хулоса қилиш мумкин.

Турон Тошкент вилоят универсал илмий кутубхонасининг ахборотида келтирилишича, 2005 йилда вилоятдаги оммавий кутубхоналардан 154,5 минг нусхадаги адабиётлар чиқарилган бўлса, шундан 79,2 минг нусхаси, яъни, 51,3 фоизи жисмонан эскирган адабиётлар, соҳалар бўйича эса чиқарилаётган адабиётлар кўпроқ санъат, спорт ҳамда бадиий адабиётларга тўғри келган.

2005 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналарга 311.3 минг нусха янги адабиётлар олинган. Шундан 260.4 минг нусхаси ўзбек тилидаги адабиётларни ташкил этади. Ўртача битта кутубхонага 54 та янги адабиётдан тўғри келади. Олинган янги адабиётлар кўрсаткичи 2003 ва 2004 йилларга нисбатан 80.3 минг нусхага кўпдир. Лекин республикамиз аҳолиси у ёқда турсин, ҳатто оммавий кутубхоналардаги китобхонлар сони

5 млн.дан ортиқ кишини ташкил этишини ҳисобга олганда ҳар бир китобхонга 1 тадан ҳам янги адабиёт тўғри келмаслигини изоҳлаш қийин эмас. Албатта, янги адабиётлар олинишида китобхонлар сони ва вилоятлардаги аҳоли сони эътиборга олинса фойдадан ҳоли бўлмас эди. Масалан, 810 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган Навоий вилоятидаги оммавий кутубхоналарга 2005 йилда жами 19.2 минг нусха янги адабиёт олинган бўлса, 2 млн.дан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Наманган вилоятидаги оммавий кутубхоналарга 15.2 минг нусха янги адабиётлар олинган. Бундай мисолларни бошқа вилоятларда ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Кўрсаткичларни таҳлил қилганда Қашқадарё вилояти 2005 йилда 40.4 минг нусхадаги энг кўп янги адабиётларни олишга эришганлар. Бундай юқори кўрсаткичга эришиш йўлларини бошқа вилоятларга ҳам кўрсатиб бериш ниятида бизга тақдим этилган электрон ахборотдан маълумот излаганимизда афсуски бу ҳақда ҳеч қандай жавоб топилмади.

Кутубхоналарга янги адабиётлар олинишининг умумий кўрсаткичи йил сайин кўпайиб бораётганлиги яхши албатта. Лекин вилоятларга нисбатан таққослаганда бу кўпайиш кўрсаткичи деярли сезилмай қолмоқда. Буни қуйидаги вилоятларнинг ахборотларида келтирилган маълумотлари орқали ҳам кўриш мумкин.

Тошкент вилоятидаги оммавий кутубхоналарга янги адабиётлар кўпроқ ҳомий ташкилотларнинг ёрдами билан олинган адабиётларга тўғри келади. Вилоятдаги Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарлари ва Бўстонлик, Пскент туманлари бюджетдан янги адабиётлар сотиб олиш учун маблағ олишолмаган. Бу кутубхоналар фақат пуллик хизмат ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан янги адабиётлар олишга эришганлар.

Шу билан биргаликда харажатлар сметасида китоб сотиб олиш, обуна ва жиҳозлар сотиб олиш бир моддада белгиланган. Ажратилган маблағ кўпроқ обуна учун сарфланиб, китоб ва жиҳозлар сотиб олишга етмай қолади, дейилган. Албатта бу барча вилоятлар кутубхоналаридаги муаммолардан биридир.

Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонасининг ахборотида эса қуйидаги сатрлар келтирилган: Янги китобларнинг кўпчилиги ижтимоий-сиёсий фанларга оид адабиётларни ташкил этади. Президент асарлари, соҳавий адабиётлар: табиий-илмий, санъат, техника ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар, шунингдек, лотин ёзувидаги китоблар эса кам нусхада олинмоқда. 2005 йилнинг март ойида Бухоро вилоят ҳокими С.Хусеновнинг вилоят маданият ходимлари билан учрашувида кутубхона ходимлари томонидан вилоят кутубхонасига маҳаллий нашриётлар томонидан чоп этилаётган маҳсулотлардан мажбурий нусха ажратилишини йўлга қўйиш таклифи билдирилган. Билдирилган таклифнинг инобатга олиниши натижасида Бухоро вилояти худудида жойлашган нашриётлар томонидан мажбурий нусха Ибн Сино номли ВУИК фондлари учун ажратилаяпти, дейилган. Биз бундай хайрли ишларнинг бошқа вилоятларнинг кутубхоналарида ҳам амалга оширилишини истаб қолардик.

Андижон вилояти бўйича янги адабиётларнинг олиниши 2005 йилда 5075 нусхага, вилоят кутубхонасининг кўрсаткичи эса қарийб минг нусхага ошган. Бунда ҳомий ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшган.

Кутубхоналар фондидаги мавжуд адабиётлар болалар ва ёшларнинг талаб ва эҳтиёжлари қай даражада қондирилишини ўрганганимизда етарли даражада қондира олмаслигини вилоят оммавий кутубхоналарининг ахборотларида келтирилган жадваллари орқали ўрганиб кузатдик. Республикамикимиз бўйича оммавий кутубхоналар фондида сақланаёт-

ган адабиётларнинг ўртача 18-20 фоизини болалар ва ўсмирлар адабиёти, 20-25 фоизини эса ёшларга мўлжалланган адабиётлар ташкил қилар экан. Лотин алифбосидаги адабиётларни эса эслатмаса ҳам бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бу бўлимда вилоят оммавий кутубхоналарнинг йиллик ахборотларида келтириб ўтилган айрим долзарб муаммо ва ютуқларга асосланиб фактлар келтирилди. Бу бўлимда ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Юқорида келтириб ўтилган муаммо ва камчиликларнинг ечими сифатида айрим тавсияларни келтираемиз.

- Вилоят кутубхоналарида кичик босмахоналар ташкил этиш ва китобларни муқовалашни йўлга қўйиш;
- Вилоят кутубхоналарини маҳаллий нашриётлар томонидан чоп этилаётган маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида мажбурий нусха олишни йўлга қўйиш;
- Тармоқ кутубхоналарини етарли даражада янги адабиётлар ва газета журналлар билан таъминлашга эришиш;
- Бўлимга ўз ишини пухта биладиган тажрибали кутубхоначи ходимларни жалб этиш;
- Кутубхона фондини янги адабиётлар билан тўлдиришда ҳомийлик қилувчи ташкилотларни топиш ва пуллик хизматлардан фойдаланишни янада кенгроқ жорий этиш.

Бу тавсияларга маълум даражада амал қилинса, бўлим ишида ижобий ўзгаришлар рўй беради, деб ўйлаймиз. Бу ўзгаришлар китобхонларни кутубхоналарга янада кўпроқ жалб этишда ва уларнинг илм ва билим олишида, қолаверса уларнинг маънавиятини янада юксалтиришда ўз хиссасини қўшади, деб умид қиламиз.

## КИТОБХОНЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2005 йилда Республикамиз кутубхоналари томонидан китобхонларни кутубхонага янада кўпроқ жалб қилиш, уларнинг қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжларига қараб хизмат кўрсатиш, аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшларнинг дунёқарашини янада шакллантириш, Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорларини бажаришда қўйидаги натижаларга эришганлар.

2005 йилда Республикамиз кутубхоналаридаги китобхонлар ҳақидаги статистик маълумотларни 1-2 жадваллардан кўришингиз мумкин.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналарнинг китобхонлари сони 2005 йилда 5465,5 мингга ташкил этади. 2004 йилга нисбатан китобхонлар сони 35.4 мингга камайган. Рақамларни вилоятлар бўйича таққослаганда Наманган вилоятида китобхонлар сони 2005 йилда 41.4 мингга, Сурхондарё вилоятида 37.3 мингга камайиб кетганлигини кўриш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Жиззах вилоятларидаги оммавий кутубхоналарда китобхонлар сони 2003, 2004 ва 2005 йилларда кўпайиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Қашқадарё вилоятидаги оммавий кутубхоналарда китобхонлар сони 2004 йилда 28.1 мингга кўпайган бўлса, 2005 йилда эса бу кўрсаткич 40.1 мингга ортган. Бироқ, бир йил ичида кескин фарқ қиладиган сонларнинг кўрсатилиши, қолаверса, бундай тажрибага эришиш йўллари кўрсатиб берилмаганлиги сабабли бу маълумотлар шубҳа уйғотади.

Республикамизда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар сони 14 тани ташкил қилса, шундан бир йилда кутубхоналарда 14 танинг 7 тасида китобхонлар сони кўпайган, 7 тасида эса камайганлигини кузатиш мумкин. Ўртача китобхонлар сонининг камайиш ва

кўпайиш кўрсаткичи фарқи 1.3 мингдан 2.8 мингни ташкил этади.

Бир кутубхонада китобхонлар сони ўртача 951 тани ташкил этади. Аҳоли сонига нисбатан китобхонлар 21 фоизни, ўртача китоб ўқилиши 18 тани ташкил этади.

Вилоятларда китобхонлар билан ишлаш ва уларни кутубхоналарга жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни қуйидаги жадвал орқали ҳам кўриш мумкин

<b>Вилоятлар</b>	<b>Кутубхоналар сони</b>	<b>Аҳоли сони</b>	<b>Китобхонлар сони</b>	<b>Фоиз ҳисобида</b>
Бухоро	452	1507.6	404.7	26.8
Тошкент	501	2452.3	513.8	20.9
Фарғона	593	2840.9	560.8	19.7

Китоб ўқилиши кўрсаткичини эса қуйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин.

<b>Вилоятлар</b>	<b>Китобхонлар сони</b>	<b>Китоб берилиши</b>	<b>Ўртача китоб ўқилиши</b>
Самарқанд	715.9	12860.7	17.9
Андижон	591.5	13094.1	22.1
Фарғона	560.9	9897.2	17.6
Тошкент	513.8	9837.5	19.1

Кўрсаткичларнинг бундай фарқ қилишида объектив ва субъектив сабаблари бор. Улардан айримлари кутубхоналарда турли хил анъанавий ва ноанъанавий тадбирлар: қизиқарли ўйинлар, адабиётлар кўргазмалари, учрашувлар, китоб тадқиқотлари, обзорларни мунтазам ташкил қилиш орқали китобхонларни жалб қилиш бўлса, иккинчидан

китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳар томонлама ўрганиш, уларга қизиқишлари асосида адабиётларни тавсия қила билиш, кутубхона фондида китобхонларнинг бугунги кундаги қизиқишларини қондира оладиган китоб, газета ва журналларнинг мавжудлиги, шу билан бирга моддий техника негизининг яхшилиги дейиш мумкин. Кутубхоналар фондини ташкил қилиш ва у билан ишлаш бўлимидаги келтириб ўтилган айрим муаммо ва камчиликларнинг кутубхоналардаги китобхонларга қанчалик таъсир қилаётганлиги юқорида келтириб ўтилган жадвалларда яққол кўриниб турибди.

2005 йилда вилоятлардаги кутубхоналарда кутубхоначилик ишини тарғиб қилиш, китобхонларни кутубхоналарга жалб қилиш, уларнинг билим олишларида берилган ёрдамлар ва тадбирларнинг ташкил қилиниши бўйича айрим мисоллар ва фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтамиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонасида ва жойлардаги кутубхоналарда “Сихат саломатлик йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда 276 кўчма кутубхоналар ҳамда Республика кутубхонасининг китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими ходимлари томонидан ногирон, кекса китобхонларга китоб элтиб бериш хизмати ташкил этилган. Шунингдек Амударё ва Чимбой туманлари марказий кутубхоналарида кўзи ожиз китобхонларга “гапирувчи китоблар” орқали яшаш жойларида хизмат кўрсатилган. Шаҳар, туман марказий кутубхоналарида китобхонларнинг қизиқиши ва мутахассислигини ҳисобга олиб ихтисослашган ҳолда, яъни, ўсмир ёшлар, шифокорлар, ўқитувчилар, иқтисодчилар, ҳуқуқшуносларга ажратиб кутубхона хизмати ташкил этилган. 2005 йилда Қорақалпоғистон Республикасидаги оммавий кутубхоналарда суҳбатлар, адабий учрашув, бадий, мусикали кечалар ва бошқа турли тадбирларда 15 мингдан зиёд китобхонлар иштирок этиб, уларга 37 мингдан ортик

турли мавзуларга оид адабиётлар берилган. Натижада умумий китобхонларнинг сони 1.3 мингга ортган.

Андижон вилояти кутубхоналарида ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, тадбиркорларнинг малкасини ошириш мақсадида вилоятда 918 марта мутахассис ва 2019 марта ахборот кунлари ўтказилган. Ҳисобот йилида жами 316 та шифокорларга кутубхона-библиографик хизмат кўрсатилган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, ўқувчиларга ўқув жараёнига ёрдам бериш мақсадида кичик ҳажмдаги тавсия библиографияси (обзор, ўқув режаси, эсдаликлар, турли мавзуларда буклетлар)дан фойдаланилган. Вилоят бўйича йил давомида 19430 та оммавий тадбирлар режалаштирилган бўлса, ҳисобот йилида тадбирлар 101.3 фоизга бажарилган. Вилоят кутубхонаси, шаҳар ва туман марказий кутубхоналарида оммавий тадбирларнинг янги шакллари “Хотира соати”, “Иқтисодиёт соати” ва “Заковат” интерфаол ўйинлари ўтказилган.

Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонасида Халқаро ногиронлар кунига бағишланган ногирон болалар учун "Меҳр – кўзда" номли байрам эрталиги бўлиб ўтган. Тадбирда Миллий банк, шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси болажонларга ўз совғаларини топширганлар. Вилоят кутубхонаси раҳбарияти томонидан ҳам 6.700 сўмлик лотин алифбосидаги янги китоблар меҳрибонлик уйи кутубхонасига тухфа этилган. Шунингдек, Халқаро болалар жамғармаси, "Соғлом авлод учун", "Маҳалла" жамғармалари ҳам тадбир қатнашчиларини байрам билан табриклаб, болажонларга совғалар тақдим этганлар. Қоракўл туман Марказий кутубхонасида “Президентимиз фахримиз” мавзусида зинама-зина ўйини, атроф – муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб "Она табиат чекмасин азият" номли минбардаги жамоа фикри ўтказилган. 21-22 ноябрь кунлари вилоят марказидаги

"Бухоро – Палас" меҳмонхонасида қомусий олим, ватандошим Абу Али Ибн Синонинг 1025 йиллигига бағишлаб "Буёқ мерос ва миллат саломатлиги" мавзусида илмий – амалий конференция мақомидаги Ибн Сино халқаро ўқувлари бўлиб ўтган. Халқаро Ибн Сино ўқувлари қатнашчилари Абу Али Ибн Сино номли кутубхонасида ҳам бўлиб, унинг қатнашчилари шарқ адабиётлари бўлимида сақланаётган нодир қўлёзмалар, тошбосма асарлари: Ибн Сино асарлари, унинг асарларига шарҳ, Шарқ тиббиётига доир коллекция билан танишганлар. Вилоят кутубхонасида "Ўрта Осиё: 41 йил илгари чех сайёҳлари нигоҳида" мавзусида таниқли чех сураткашлари Мирослав Зикмунд ва Иржи Гамзелка фотоқўрғазмаларининг очилиш маросими бўлиб ўтган.

Жиззах вилоят кутубхонаси ногиронлар соғлигини тиклаш марказига 70 нусха китоблар ажратиб, кўчма кутубхона ташкил этган. Зафаробод тумани Марказий кутубхонасида Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишлаб "Заковат" интеллектуал ўйини, Зомин туман 16 тармоқ кутубхонасида Халқаро болалар китоблари кунига бағишлаб "Китоблар оламига саёҳат" мавзусида тадбир ўтказилган. Тадбирда "Ёш қаламкашлар" тўғараги ҳам фаол қатнашган.

Навоий вилоят кутубхонасида Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишлаб «Навойдан нур олар олам» номли китобхонлар анжумани, Маданият ва санъат коллежи талабалари билан ҳамкорликда Бобур таваллудининг 522 йиллигига бағишлаб «Ҳинд сори юзландим...» мавзусида давра суҳбати, Кармана туман марказий кутубхонасида «Навосоз элнинг, навобахш булбули» мавзусида ғазалхонлик кечаси, Хатирчи туман марказий кутубхонасида «Асарлари асрлар ошган сиймо» мавзусида ғазалхонлик кечаси, «Ўзбегимнинг алпомиш ва барчинойлари» мавзусида беллашув, Зарафшон шаҳар

марказий кутубхонаси 7-мактаб билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ҳақида нималарни биласиз?» мавзусида беллашув, Қизилтепа туман 14-тармоқ кутубхонасида «Охунбобоев» номли мактаб жамоаси билан ҳамкорликда «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилган.

Наманган вилоятидаги кутубхоналарда китобхонларнинг қизиқишларини тўла қондириш мақсадида «Ўқинг! Янги адабиётлар», «Зиёкор, сенинг касбинг билан боғлиқ», «Адабиёт ва маънавият», «Тарих буюк мураббий», «Зотил-жамга бўлманг хотиржам», «Дунё тилсим, китоб унинг калитидир» мавзуларида китоб кўргазмалари ташкил этилган. Вилоят кутубхонаси қошида «Шаҳризода» қизлар клуби, вояга етмаган ўсмирлар учун «Маҳорат мактаби» ҳунар ўргатиш маркази, «Компьютер сабоқларини ўргатиш ва Интернетга чиқиш» маркази ишлаб турибди. Ушбу клуб ва марказлар ёшларни ҳаётга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди. У ерда фаол фахрийлар, юристлар, врачлар, ўқитувчилар билан ҳамкорликда бир неча бор суҳбатлар, мунозара кечалари, амалий ўйинлар ўтказиб борилган. Вилоят кутубхонасида Бобораҳим Машраб таваллудининг 365 йиллиги муносабати билан «Машрабхонлик ҳафталиги» ўтказилган. Бўлимлар томонидан «Жаҳон тан олган даҳо», «Мен ҳам инсон наслидин, фарзанди Намонгонийман», «Машрабни ёд этиб» номли китоб кўргазмалари ва кўргазмалар олдида суҳбатлар, Библиография бўлимида «Машрабни ёд этиб» мавзуида картотека, Методика бўлими томонидан «Жаҳон тан олган даҳо» мавзусида қўлланма тузилган. Чуст тумани Марказий кутубхонасида ҳар ойнинг чоршанба кунлари «Лотин алифбосини ўрганамиз» мавзусида ўқиш кунлари ташкил этилган. Шунингдек, марказий кутубхоналар ва барча шахобчаларда бригада абонементи, оилавий абонемент, синф абонементи ва китоб ташувчилар ташкил этилган. Мингбулоқ туман

марказий кутубхонасида «Дикқат! Янги адабиётлар сизлар учун», «Сиз севган адабиётлар», «Китоблар жонсиздир, аммо, сиз учун керакли манба» мавзуларида адабиётлар кўргазмаси ташкил этилган.

Самарқанд вилоятидаги оммавий кутубхоналарда китобхонларнинг талаб ва қизиқишлари асосида “Билимдон китобхон”, “Оилалар беллашуви”, “Энг яхши китобхон оила” мавзуларида тадбирлар уюштирилган. Марказий ва тармоқ кутубхоналарида “Дикқат, янги китоблар”, “Бу адабиётлар Сизнинг ишингизда кўмакдош”, “Кутубхоначилик дунёси”, “Маънавиятимиз кўзгулари” каби мавзуларда китоб кўргазмалари, картотекалар, бурчаклар ташкил этилган.

Тошкент вилоятидаги Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ва Зангиота, Ўртачирчиқ туманларидаги марказий кутубхоналарида китобхонларнинг қизиқиш, талаб ва эҳтиёжлари мунтазам равишда анкета, кузатув, суҳбат усуллари орқали ўрганилган. Бекобод шаҳар кутубхонасида ёшларни атроф-муҳит ва табиатни эъзозлашга ўргатиш мақсадида “Экология декадаси” ташкил қилинган. Унда адабий-тематик, савол-жавоб кечалари ва давра суҳбатлар ўтказилган. Бу борадаги муайян ишлар Зангиота туман кутубхонасида ҳам олиб борилган. Зангиота туман кутубхонаси томонидан китобхонларнинг маънавий, маданий ва маърифий дунёқарашларини янада шакллантириш борасида одобнома дарслари, савол-жавоб кечалари, мунозара, тарбиявий соатлар, учрашув кечалари ва бошқа бир қатор қизиқарли тадбирлар ўтказилган. Вилоят кутубхонасининг болалар бўлими қошида ташкил этилган “Ёш кутубхоначи” тўгараги машғулотлари ҳар ойда икки марта машғулотлар олиб бориб, “Китоблар шифохонаси” да йиртилган, эскирган китобларни қайта таъмирлаш билан биргаликда оммавий тадбирлар тайёрлашда ҳам кутубхоначиларга яқиндан ёрдам берган. Ангрен шаҳар марказий болалар кутубхонаси

ва тармоқ кутубхоналари томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида пуллик “Сихат саломатлик марафони” акцияси ўтказилган. Марафонда “Витаминлар”, “Касалбўлмаслар”, “Глюкозалар” гуруҳлари ўзаро беллашганлар. Вилоятдаги болалар кутубхоналарида апрель ойининг биринчи ҳафтасида “Болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталиги” ўтказилган. Ҳафталикда кўргазмалар, кўрик-танловлар, эрталиклар, ахборот кунлари, кутубхоналар бўйлаб саёҳатлар ташкил қилинган.

Тошкент шаҳар оммавий кутубхоналари томонидан китобхонлар билан фикр алмашиш, қизиқарли маълумотлар соати, мулоқот соати, сиёсий китоблар куни, саёҳат-ўйин, фойдали ахборот куни, дилдаги гаплар соати каби шакл ва усуллар қўлланилган.

Фарғона вилоят универсал илмий кутубхонасида 2005 йилда ногиронларга хизмат кўрсатувчи шўъба ташкил этилган. Йил давомида шўъба хизматидан ногиронлар билан ишловчи ташкилотлар ва ўқув муассасалари ҳам кенг фойдаланганлар. Вилоятда китобхонларни кутубхоналарга янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида қизиқувчилар клублари, маҳаллий радио, телевидение ва матбуот орқали ахборот ва мақолалар берилган, кутубхона бўйлаб саёҳатлар, очиқ эшиклар куни уюштирилган, китобхонлар ўртасида анкета сўрови ўтказилиб таҳлил қилинган.

Хоразм вилоятидаги оммавий кутубхоналарда “Китобхонлик кунлари” уюшқоқлик билан ўтказилган. Жумладан, Қурбон ота Исмоилов номидаги вилоят кутубхонасида “Китоб билан ёруғдир жаҳон”, “Китоблар дунёсига саёҳат”, “Китоб – ақл қалъаси” мавзуларида адабиётларнинг китоб-расмли кўргазмаси, Боғот туман марказий кутубхонасида туман маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Кутубхоналар миллий маънавиятимизнинг бир қисмидир” мавзусида баҳс-мунозара кечаси ўтказилган.

Қашқадарё вилоят кутубхонасида 1-сентябрь билимлар куни муносабати билан «Китоб-билим манбаи» мавзусида ёш китобхонларга янги келган адабиётларнинг тарғиботи ташкил этилган. Вилоятдаги оммавий кутубхоналарда ҳам китобхонлар билан ишлаш борасида бир қанча тадбирлар амалга оширилган.

Юқорида келтириб ўтилган вилоятларда кутубхоначилик соҳасида муаммо ва камчиликлар билан биргаликда китобхоналар билан ишлаш бўлимида қониқарли натижаларга эришилган, дейиш мумкин. Маълумки, бугунги кунда вилоятлардаги кутубхоналарда анъанавий тадбирлар билан биргаликда бир қанча ноанъанавий тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда. Масалан, ток-шоу, брейнинг, “Заковат” ва бошқа бир қанча юқорида келтириб ўтилган тадбирларни санаб ўтиш мумкин. Вилоятлардаги кутубхоналарда ташкил қилинаётган бундай тадбирлар ва эришилаётган амалий натижаларни бошқа кутубхоналарда ҳам қўлланилса фойдадан холи бўлмайди деб умид қиламиз.

#### ТАШКИЛИЙ МЕТОДИК ИШЛАР

Республикамиз кутубхоналарида методик ишлар асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада оммавий кутубхоналар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда амалга оширилган ишларни қуйидаги мисоллар орқали кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонасида “Сихат саломатлик йили”да “Инсон, саломатлик ва маданият” мавзусида шаҳар ва туман марказий кутубхоналари раҳбарлари билан биргаликда давра суҳбати ўтказилган. Унда кутубхона раҳбарлари билан биргаликда “Эшитишни, ўқишни ва эътиборли бўлишни ўрганинг” мавзусида интеллектуал ўйин ўтказилган. Ўйинда тест усулида саволлар тузилган бўлиб, кутубхона раҳбарлари-

нинг касб маҳорати ва эътиборлилиги текширилган. Шунингдек Республика кутубхонасида “Фонд ва каталогларни замон талабларига мос тарзда шакллантириш ва ташкил қилиш” мавзусида амалий семинар ташкил этилган. Бўлим томонидан методик-библиографик қўлланмалар тайёрланиб, марказий ва тармоқ кутубхоналарга тарқатилган.

Андижон вилоят оммавий кутубхоналари томонидан 95 та семинар машғулоти ўтказилган бўлиб, ундан 49 таси китобхонлар билан ишлаш, 24 таси кутубхона фонди билан ишлаш, 22 таси справка библиография ишларига оиддир. 24 та илғор тажриба мактабининг 13 таси китобхонлар билан ишлаш, 3 таси кутубхона фонди билан ишлаш, 8 таси справка-библиография иш йўналишларига қаратилган. Вилоят кутубхонаси томонидан 6 та семинар машғулоти, 3 та малака ошириш ўқуви, шаҳар ва туман кутубхоначилари учун 325 та яққа ва гуруҳли маслаҳатлар берилган. Марказий ва тармоқ кутубхоналарига 120 мартаба амалий ёрдам ва маслаҳатлар бериш учун чиқилган. 95 та ходим малака ошириш курсларида ўқитилган. Бўлим томонидан методик қўлланмалар ва варақалар тузилиб кутубхоналарга тарқатилган.

Бухоро вилоят кутубхонаси томонидан кутубхоначи ходимлар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида “Соғлом турмуш тарзини олиб боришда китоб ва кутубхоналарнинг ўрни” мавзусида методик қўлланма ва “Сихат-саломатлик йили”да кутубхоналарнинг фаолиятини ташкил қилиш ва жамғармалар билан ҳамкорликда ишлаш вазифаларини амалга ошириш масалалари” мавзусида семинар машғулоти; “Моделлаштириш-кутубхоначилик хизматини такомиллаштириш йўлларида бири сифатида” мавзусида давра суҳбати; “Вилоятимиз аҳолиси ҳаётида китобнинг ва ўқишнинг ўрнини мустаҳкамлаш борасида кутубхоналарнинг тутган ўрни” мавзусида семинар-тренинг ўтказилган.

Вилоят ҳокимининг "Вилоятда фаолият кўрсатаётган кутубхоналарнинг хизмат кўрсатиш самарадорлигини яхшилаш чора-тадбирлари Дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда 2005 йилдан бошлаб "Вилоятнинг энг намунали кутубхонаси" кўрик-танлови жорий этилган. "Энг яхши маданият муассасаси" кўрик-танлови эса Бухоро вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимидаги маданият муассасалари ўртасида ўтказилган. Йиллар давомида Гиждувон туман МКТ вилоятнинг энг яхши ва намунали кутубхона тизими ҳисобланиб келмоқда. Китобхонларда ўқиш маданиятини шакллантириш, кутубхоналар иши самарадорлигини ошириш, ватанимизда баркамол авлодни камол топтириш, миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни тарғиб этиш, ёш авлодни кутубхоналарга жалб қилиш, ёшларда маънавий, мафкуравий тушунчаларни бойитиб бориш мақсадида "Энг намунали қишлоқ кутубхонаси", "Энг намунали туман кутубхонаси", "Энг намунали коллеж ва лицей кутубхонаси" кўрик-танловлари ўтказилган. Шу билан бирга вилоят ҳокимлиги қарорига биноан вилоятда ҳар ойнинг учинчи душанбасида ўтказиладиган доимий мактаблар куни муносабати билан, вилоят кутубхоначилари мактаб кутубхоналарига методик ва амалий ёрдам кўрсатганлар.

Жиззах вилоят кутубхонаси томонидан марказий кутубхоналарига кутубхона каталог ва картотекаларини юритиш, нашрларга ишлов бериш, кутубхона фондини ҳисобга олиш, ўлкашуносликка оид адабиётларни тарғиб қилиш ва картотекаларни ташкил қилиш ишлари бўйича амалий методик ёрдамлар кўрсатилган. Бўлим томонидан муҳим саналарга тадбирлар дастурлари ва методик-библиографик қўлланмалар тайёрланиб, кутубхоналарга тарқатилган.

Навоий вилоят кутубхонасида «Кутубхона фондиди тўлдириш ва сақлаш, ҳар бир китобнинг китобхонага етиб боришини таъминлаш», «Ёшларни маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашда адабиётлар тарғиботи», «Китобхоналарга ахборот-библиографик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш» мавзусида семинар машғулотлари ўтказилган. Қизилтепа туман 9-тармок кутубхонасида «Миллий истиқлол ғоясини кутубхоналарда тарғиб этишнинг услуб ва шакллари» мавзусида, Навоий шаҳар марказий кутубхонасида «Кутубхоналарда адабиётлар тарғиботининг янги усулларида фойдаланиш» мавзусида, Навбахор туман марказий кутубхонасида «Комил инсонни тарбиялашда кутубхоналарнинг вазифаси» мавзусида семинар машғулотлари бўлиб ўтган. Хатирчи туман марказий кутубхонасида «Кутубхона маънавият гултожи» мавзусида кўчма семинар машғулотлари бўлиб ўтган. Бўлим томонидан муҳим ва унутилмас саналарга методик-библиографик қўлланмалар тайёрланиб тарқатилган.

Наманган вилоят кутубхонасида «Услубият мактаби» ўқув курси, малака ошириш бўйича бир хафталик ва бир кунлик курслар ташкил этилган. Бу курсларда 40 дан ортиқ кутубхона ходимлар ўз малакаларини оширганлар. Учқўрғон туман кутуб хонаси ходимлари кутубхоначиларга методик ёрдам бериш, уларнинг малакаларини ошириш мақсадида «Кутубхонашунослик машғулотлари», «Илғор иш тажрибаларни ўрганиш мактаби» машғулотларини ўтказиб борганлар. Йил давомида кутубхоналар томонидан режага асосан кўчма семинар машғулотлари, шунингдек кутубхоначиларнинг малакасини ошириш мақсадида 10 кунлик ўқув машғулотлари ташкил этилган. Ҳар бир туман марказий кутубхоналарида «Малака ошириш кунлари» ташкил этилган ва уларда ҳам ходимлар ўз малакаларини ошириб борганлар.

Самарқанд вилоят кутубхонасида болалар қалбида Ватан туйғуси, китобга меҳр уйғотиш мақсадида болалар боғчаси тарбияланувчилари учун “Кутубхона тўри сенники, болажон” мавзусида тадбир ўтказилган. Шу билан биргаликда бўлим томонидан 16 номда методик-библиографик қўлланмалар тайёрланиб кутубхоналарга тарқатилган. Кутубхонада “Кутубхонамиз фахрийлари” расми кўргазма ташкил этилган. “Кутубхоналарда маркетинг ва автоматлаштириш ишлари”, “Замонавий кутубхоналар”, “Хорижлик касбдошларимиз ишларидан”, “Янги иш усулларини ўрганамиз”, “Маркетинг ва фандрейзинг кутубхоналар учун” мавзуларида машғулотлар ўтказилган. “Кутубхона ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш”, “XXI аср ёшларини кутубхона хизмати билан таъминлаш” мавзуларида семинар ташкил этилган. “Кутубхона ишини юритиш ва ҳужжатлаштириш”, “Ўлкашунослик иши ва уни ташкил этиш”, “Кутубхона фондини ҳисобга олиш ва унга ишлов бериш”, “Китобхоналарга справка библиография хизматини ташкил этиш”, “Кўчма кутубхоналарнинг иш фаолияти” мавзуларида маслаҳатлар берилган.

Тошкент вилоят Зангиота туман марказий болалар кутубхонасида кутубхона ходимларининг малакасини ошириш мақсадида “Болалар ва ўсмирларнинг экологик тарбиясини шакллантиришда кутубхоналарнинг ўрни”, “Марказий кутубхоналарнинг ҳисобот ва режалаштириш ишлари” мавзуларида вилоят семинари ўтказилган. Семинар доирасида ёшларнинг экологик маданияти, Тошкент вилоятидаги кутубхоналарда болалар ва ўсмирларнинг экологик тарбиясини шакллантириш борасидаги кутубхоналарнинг иш тажрибалари билан таништирилиб, марказий кутубхона қошида фаолият юритаётган “Табиат ва инсон” клубининг фаолияти ва клуб аъзолари томонидан “Табиатни қутқаришнинг калити қаерда?” номли сахна кўриниши намойиш этилган. Вилоят кутубхонасининг болалар бўли-

ми вилоятдаги болалар кутубхоналарининг иш фаолиятини ўрганиб, илғор иш тажрибаларни тарғиб қилиб боради. Бу борада Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Зангиота, Пскент, Тошкент, Бўстонлиқ туман кутубхоналарининг методик ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Тошкент шаҳар “Билим” марказий кутубхонаси методик ишларни кўпроқ методик-библиографик қўлланмалар ва тавсияномалар ишлаб чиқишга қаратган. Жумладан, 2005 йилда бўлим томонидан 76 номда адабиётларнинг тавсия рўйхати, “Кутубхоналарда каталог ва картотекалар билан ишлаш”, “Оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш” мавзуларида методик қўлланмалар тайёрланган ва кутубхоналарга тарқатилган. 20 та кутубхона ходимлари малака ошириш курсларида ўқиган.

Фарғона вилоят кутубхонаси методика бўлими томонидан шаҳар ва туман марказий кутубхоналари учун 12 мартаба турли мавзуларда семинар машғулоти ўтказилган. Семинар машғулотлари Қувасой шаҳар, Ёзовон, Бувайда, Фурқат, Бешарик, Тошлоқ, Учкўприк, Фарғона туманларида ўтказилган. Семинар машғулотларида шаҳар ва туман марказий кутубхоналарининг 411 нафар кутубхона ходимларининг малакаси оширилган. Семинар машғулотларида “Замонавий кутубхоналарда замонавий китобхон”, “Тармоқ кутубхоналарнинг ахборот-библиография ишлари”, “Кутубхона фондини қайта баҳолаш ҳужжатларининг шарҳи”, “Тармоқ кутубхоналарда ўлкашунослик бурчаги” ва “Қишлоғингиз тарихини биласизми?” мавзусида картотекалар ташкил қилиш, “Кутубхоналарга китобхонларни жалб этишда оммавий тадбирларнинг аҳамияти” каби мавзулар ўрганилган ва амалий методик маслаҳатлар берилган. Бўлим томонидан турли мавзуларда методик-библиографик қўлланмалар, тавсияномалар тайёрланиб, шаҳар ва туман кутубхоналарига тарқатилган, жойлардаги

кутубхоналарга амалий ёрдамлар ва кутубхона ходимларига маслаҳатлар берилган.

Хоразм вилоят кутубхонасининг ахборотида методик ишлар кўпроқ методик қўлланмалар ва вилоят, республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар ҳақида маълумотлар бериш билан чекланган.

Қашқадарё вилоят кутубхонасининг ахборотида ҳам бўлимга тегишли маълумотлар қисқа ва умумий маълумотлар бериш билан чекланган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, оммавий кутубхоналарда ташкилий методик ишлар бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган. Булардан кутубхоначи ходимларга ёрдам тариқасида тасвиялар ва методик-библиографик қўлланмаларнинг тайёрланиши ҳамда тармоқ кутубхоналарга тарқатилиши, муҳим ва долзарб мавзуларда семинар машғулотларининг ўтказилиши, кўрик-танловларнинг ташкил этилиши, кутубхоначи ходимларнинг малакасини ошириш бўйича қилинган ишлар, шунингдек, кўзи ожиз ва тармоқ кутубхоналарга методик ёрдам берилишини айтиш мумкин. Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши натижасида жойлардаги кутубхоналарда айрим муаммо ва камчиликлар ўз ечимини топган ҳамда бўлимнинг белгиланган режа ва вазифалари қониқарли даражада бажарилган.

#### МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари 2006 йил июн ойида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган кутубхоналар директорларининг семинар кенгашида Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланган ва келгусида тайёрланиши лозим бўлган методик-библиографик қўлланмалар ҳақида кутубхона раҳбарларига анкета саволлари тарқатдилар ва натижалари

бўлим ходимлари томонидан муҳокама қилинди. Таҳлиллар натижаси шундан далолат берадики, бўлим томонидан тайёрланган 16 та номдаги қўлланмалар вилоят кутубхона раҳбарлари ва методик бўлим ходимлари томонидан “Яхши” ва “Аъло” баҳолари билан баҳоланди. Қўлланмалардан тадбирлар ўтказишда, кўргазмалар ташкил этишда, методик қўлланмалар тузишда, шаҳар, туман марказий ҳамда тармоқ кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатишда фойдаланилган.

“Платные услуги в библиотеках” мавзудаги қўлланма энг яхши тайёрланган қўлланма деб топилди. Бу қўлланманинг ўзбек тилига таржима қилинган вариантини ҳам чоп қилишни сўрашган. Бу таклиф инобатга олинди ва айрим тузатишлар билан бўлим томонидан келгусида ўзбек тилида чоп қилиш режалаштирилди. Лотин алифбосида методик қўлланмалар тайёрлаш зарурияти борми? деган саволимизга эса ҳозирча йўқ жавоби берилди. Келгусида қандай қўлланмалар тайёрлашни истайсиз? деган саволга эса ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолияти ва хориж кутубхоналарининг илғор иш тажрибалари, меъёрий ҳужжатлар, китобхонлар билан ишлашнинг янги шакллари ҳақида маълумотлар бериш сўралган. Албатта, бу таклифлар ва фикр-мулоҳазалар инобатга олинди ва бўлимнинг режасига киритилди.

Ўз навбатида Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоят кутубхоналарининг ахборотларига илова қилинган методик қўлланмалари учун методик бўлим ходимларига, тузувчиларига қолаверса кутубхона раҳбарларига миннатдорчилик билдирамыз.

## СПРАВКА – БИБЛИОГРАФИЯ ВА АХБОРОТ ИШЛАРИ

Китобхонларга юқори савияда кутубхоначилик хизматини ташкил этиш кўп жиҳатдан маълумот-библиография хизматига ҳам боғлиқ.

Андижон вилоят кутубхонасида йил давомида мақсад ли дастурлар асосида китобхонлар учун жами 20 та библио график обзор, 8 та эсдалик, 24 та варақа, 6 та ўқув режа тузилиб, китобхонларга тавсия этилган. Жумладан Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Дарёлар сингари кўнглим жўшқиндир” мавзусида эсдалик тузилган. Эсдаликдан 50 нафар китобхонлар фойдаланганлар. “Сихат саломатлик йили”га “Спорт – саломатлик гарови” мавзусида библиографик обзор тайёрланган. Обзорда 12 та адабиётлар китобхонларга тавсия этилган бўлиб, ундан 40 та китобхонлар фойдаланганлар. Вилоятдаги оммавий кутубхоналар томонидан ҳисобот йилида 3751 та тавсия библиографиясининг варақа, буклет, тавсия рўйхатлари каби кичик шакллари тузилган. 563 та ўқув режа тузилиб китобхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонасининг справка-библиография нашрлар фонди 2962 нусхани ташкил этади. 2005 йил давомида 61 нусха китоб олинган. Китобхонларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда бўлимда мақолаларнинг системали картотекаси, мавзули, цитаталар картотекалари юритилган. Долзарб масалаларга асосланиб тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорга ёрдам, тадбиркорликнинг тарихи, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик, реклама, юридик маслаҳатлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби янги бўлимчалар тузилган. 15, 29- ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, тиббиёт, туризм коллежи ўқувчилари учун "Китобларни қандай ўқиш керак?", "Кутубхонанинг маълумот-библиографик аппара-

ти", "Газета ва журнал мақолаларининг системали картотекасидан қандай фойдаланиш лозим?", "Каталоги – ваши помощники" рукнидаги библиографик дарслар ташкил қилинган. Кутубхона фонди ва справка-библиография аппарати билан таништириш мақсадида олий ўқув юртлари талабалари учун саёҳатлар уюштирилган. Кутубхона фондлари, каталоглар, мақолаларнинг системали картотекаси олдида китобхонлар билан суҳбатлар уюштирилиб, уларнинг барча соҳалар бўйича мустақил китоб танлаш муваффақиятига эришилган, янги олинган адабиётлар ҳақида китобхонларни таништириш мақсадида ахборот дайжест, экспресс ахборот варақалари тузилган. Янги адабиётлар ҳақида маълумот бериш мақсадида эълонлар бурчаги ташкил қилинган бўлиб, унда

- Танишинг, янги адабиётлар
- Китоблар оламида
- Знакомьтесь, новая литература каби бўлимлар

мавжуд.

Ахборот дайжест "Тиббиёт ходимлари, сизлар учун." каби мавзуларида доимий ахборот бериб борилган. Бухоро вилояти бўйича 2005 йилда китобхонларнинг 19.233 та библиографик сўроқлари бажарилган. 25 та гуруҳли абонентга справка–библиографик хизмат кўрсатилиб, уларга 317 нусха библиографик нашрлар, газета ва журналлар берилган. 16 нафар абонентга эса ахборотни танлаб тарқатиш (ИРИ) тартибида табақалашган ҳолда хизмат кўрсатилган. Ахборотни танлаб тарқатиш абонентлари: ҳокимият ходимлари, ташкилот, корхоналар раҳбарлари, маданият ходимларидан иборат бўлган. Китобхонларнинг алоҳида гуруҳлари – тадбиркорлар палатаси, меҳнат биржаси, солиқ тизими ходимларига банк иши, маркетинг, менежмент, тадбиркорлик фаолияти, солиқ тизимини такомиллаштириш мавзуларида янги адабиётлар ҳақида экс-

пресс – ахборот бюллетенлари тузилиб, юборилган. Шунингдек, Бухоро шаҳар марказий кутубхонасида "Ёшлар ўртасида библиография билимларини тарғибот қилиш", Вобкент туман марказий кутубхонасида "Ўлкашунослик ва библиографик ишлар, библиографик билимлар ва ўқиш маданияти тарғиботи" мавзуларида семинар машғулотлари ўтказилган. Библиографик билимларни тарғиб қилиш мақсадида Қорақўл, Гиждувон ва Шофиркон туман марказий кутубхоналарида "Библиография менинг ёрдамчим", "Каталог ва картотекалардан фойдаланиш", "Мақолаларнинг системали картотекасидан фойдаланиш усуллари" мавзуларида библиография дарслари ва саёхатлар уюштирилган.

Жиззах вилоят кутубхонасида "Библиографик нашрларнинг системали картотекаси" тўлдириб борилган. Китобхонларнинг 31 та библиографик сўровлари бажарилган. Ҳар чоракда "Янги адабиётлар" бюллетени тайёрланган. Бюллетен олий ўқув юрглари ва санъат, индустриал, педагогика коллежлари талабаларига, ҳарбий учувчилар тайёрлаш институти курсантларига, ўрта мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларига ахборот тариқасида тарқатилган. Бўлим томонидан 33 та библиографик қўлланма тайёрланиб, "Ахборот пайшанбаликлари кунлари"да шарҳлаб борилган. Бундан ташқари, маданият ва санъат соҳасидаги мутахассисларни янги ахборотлар билан таништириб бориш мақсадида республика ва вилоят газеталари саҳифаларида чоп этилган мақолалар юзасидан "Маданият ва санъатга оид янгиликлар" мавзусидаги "Ахборот бюллетени" ҳар чоракда тайёрланиб мутахассисларга тарқатилган. Китобхонларга "Вилоят кутубхонасининг маълумот-библиографик аппарати", "Системали каталогдан фойдаланишни биласизми?", "Библиографик нашрлар – китоб танлашда ёрдамчингиз" каби мавзуларда суҳбатлар ўтказилган.

Навоий вилоят кутубхонаси библиография ва ўлкашунослик бўлими «2005 йил – Сихат-саломатлик йили», «Элим саломатлиги-юртим бойлиги» мавзуларида китоб кўрғазмалари, «2005 йил – Сихат-саломатлик йили» мавзусида картотека ташкил этилган бўлиб, картотека «Саломатлигим-бойлигим», «Элим саломатлиги-юртим бойлиги», «Зурриёдим саломат бўлсин» бўлимларини ўз ичига олган. Шунингдек, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг таваллуд куни муносабати билан библиографик қўлланмалар тайёрланиб туман кутубхоналарига тарқатилган. Шунини айтиш жоизки, вилоят кутубхонасининг бўлимга тегишли маълумотлари қисқа ва етарли даражада ёритиб берилмаган.

Наманган вилоят кутубхонаси китобхонларга библиографик хизмат кўрсатишда библиографик билимларни тарғиб қилиш, каталог ва картотекалардан фойдаланиш орқали амалга оширилган. Справка библиография фонди йил давомида 29 нусхадаги янги адабиётлар билан тўлдирилган. НамДУ ва вилоятдаги барча институт ва коллежлар талабалари учун «Сиз системали каталогдан фойдалана оласизми?», «Методик библиографик кўрсаткичлар деганда нимани тушунасиз?» «Энциклопедия сизнинг ёрдамчингиз» рукнида библиографик дарслар ташкил қилинган. Справка библиография бўлими ходимлари томонидан библиографик плакатлар тузилган. Ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари учун китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимларида янги адабиётлар бюллетенлари тузилган. НамДУ қошидаги лицей талабалари билан «Лицей-истеъдод маскани» мавзусида ахборот куни ўтказилган. Ушбу тадбирда кўрғазма олдида адабиётларга шарҳлар берилиб, кутубхона бўйлаб саёхатлар ўтказилган, кутубхонанинг маълумот аппарати тўғрисида маълумот берилган. Тиббиёт ходимлари ва ўқитувчилар кунига бағишлаб «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» мавзусида мутахассис кунлари ва кутубхонада саёхат уюштирилган. Тадбир қатнашчиларига кутубхона-

нинг тарихи, фонди, бўлимлари, справка библиография аппарати ҳақида маълумотлар берилган. Вилоят кутубхонасида алоҳида мутахассислар ва шахслар гуруҳлари ахборотни танлаб тарқатиш (ИРИ) абонентлари ҳисобланади. Булар: ҳокимият ходимлари, ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари, маданият ходимларидир. Ахборотни танлаб тарқатиш абонентлари сони 35 тани ташкил қилади ва уларга керакли ахборот бериб борилади. Ахборот бериш бўйича абонентлар картотекаси тузилган. Раҳбарларга дифференциал хизмат кўрсатиш абонентлари сони 14 кишини ташкил қилган. Уларга 228 нусха библиографик нашрлар, журнал ва газеталар берилган. Китобхонларнинг алоҳида гуруҳларига тадбиркорлар, «Бизнес-фонд», меҳнат биржаси, солиқ тизими ходимлари учун уларни қизиқтирган саволлар бўйича: маркетинг, менежмент, тадбиркорлик фаолияти, солиқ тизимини такомиллаштириш каби мавзуларга оид янги адабиётлар ҳақида тезкор ахборот юбориб турилган. Кутубхонага саёҳат орқали кутубхонага 2015 та китобхон аъзо бўлган. Китобхонлар талаблари асосида «Менежмент», «Маркетинг», «Бозор иқтисодиёти», «Брокер» муҳим саналар бўйича мавзули картотекалар, унутилмас саналар картотекаси, юридик маълумотлар картотекаси ташкил қилинган. Брокерлар, тадбиркорлар учун «Престиж», «Солиқ ва божхона хабарлари» номли журнал ва газеталарида эълон қилинган саҳифалари алоҳида «Келинг ҳамкорингиз бўлайлик» номли картотекада жойлаштириб борилган. Маҳаллий телевидение ва радиода кутубхонага янги келган адабиётлар ҳақида доимий равишда ахборот бериб борилган. Китобхонларга «Танишинг, янги адабиётлар», «Ўқинг, қизиқарли», «Библиография сенинг ёрдамчинг» мавзусидаги маълумотномалар бериб борилган ва янги келган адабиётларга соҳалар бўйича рўйхатлар тузиб борилган.

Самарқанд вилоят кутубхонасида “Библиография хизмати сиз учун”, “Библиография билимлар хазинасининг калити” мавзуларида кўргазмалар ташкил этилган. Йил давомида бўлим ходимлари кутубхонанинг каталог ва картотекаларидан фойдаланиш, кутубхона фонди, бўлимлар билан таништириш мақсадида саёҳатлар, маслаҳат ва суҳбатлар ўтказилиб турилган. Бўлим фондида 1555 нусхадан ортиқ библиографик ҳужжатлар сақланади. Йил давомида 68 нусхадаги янги адабиётлар олинган. Вилоят ҳокимлиги, молия ва тижорат ходимлари, ҳуқуқшунос, эколог, психолог, ўқитувчиларга турли мавзуларда маълумотлар берилган. Оғзаки маълумотлар сони 870 та, ёзма маълумотлар сони 20 тани ташкил этган. Маълумотларнинг 70 фоизи мавзули, 20 фоизи адресли, 8 фоизи фактографик, 2 фоизи библиографик маълумотлардан иборат бўлган.

Тошкент вилоят кутубхоналарида справка-библиографик нашрлар, луғатлар, энциклопедиялар, янги маълумотномалар, методик-библиографик қўлланмалар алоҳида жойлаштирилган. Янгийўл шаҳар марказий кутубхонасида “Каталог ва картотекалар билан иш олиб бориш”, “Ўзбекистон Республикасининг кутубхона-библиографик классификацияси тўғрисида тушунча” мавзуларида семинар машғулоти ўтказилган. Чирчиқ шаҳрида “Кутубхона – маънавият ўчоғи” мавзусида суҳбат ўтказилган. Китобхонларнинг қизиқиш ва истакларини инобатга олган ҳолда адабиётларнинг тавсиявий рўйхатлари, эсдаликлар тузилиб, обзорлар ўтказилган. Китобхонлар сўрови алоҳида дафтарда ҳисобга олиб борилган. Марказий кутубхоналарда ҳар чоракда ахборот кунлари ўтказиб борилган.

Тошкент шаҳар кутубхоналарининг бўлимга тегишли маълумотлари келтирилмаган.

Фарғона вилоят кутубхонаси библиография бўлим ходимлари йил давомида 10534 та китобхонларга библиография хизматини кўрсатганлар. Шундан 5471 та оғзаки, 10

та ёзма, 508 та адресли библиографик ва 19 та фактографик справкалардан иборат бўлган. Китобхонларга каталог ва картотекалар олдида 36000 та маслаҳатлар берилган. Мутахассислар билан доимий алоқада бўлиш мақсадида “Мутахассислар бурчаги” ташкил этилган. Халқ хўжалигининг турли соҳаларига оид адабиётлар рўйхати тузилиб, мутахассисларга таништирилиб борилган. Янги олинган адабиётларни маҳаллий радио ва матбуот орқали мунтазам таништириб борилган. Режа асосида муҳим саналарга библиографик қўлланмалар тузилган. Янги мавзуларда картотекалар ташкил қилиниб, ахборот ва материаллар билан тўлдирилиб борилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё вилоят кутубхоналарининг ахборотидаги бўлимга тегишли маълумотлари қисқа ва етарли даражада ёритиб берилмаганлиги сабабли улар фаолиятига тўхталмадик.

Вилоят кутубхоналарида амалга оширилган ишларга хулоса қилинганда кўпчилик кутубхоналарнинг ахборотларида справка-библиография иши жуда қисқа, умумий тарзда ёритилган. Албатта йил давомида бўлимда бажарилган ишларни тўлиқ ёритиш мураккаб, лекин умумлаштирилган ҳолда энг зарур ва муҳим маълумотлардан бўлим фонди, бўлимга янги адабиётларнинг олинishi, бошқа фондлардан алоҳида ёки бирга сақланиши, бюллетен ва кўргазмаларнинг ташкил этилиши, ахборот ва мутахассис кунларининг ташкил этилиши, раҳбарларга табақалашган ҳолда хизмат кўрсатилиши, ахборотни танлаб тарқатиш, справка-библиография хизмати турлари, тавсия библиографияси каби маълумотларни бериш зарур, деб ўйлаймиз. Ахборотда ёритилган маълумотлар бўлим ишининг натижаси, кўзгуси дейиш мумкин.

## ЎЛКАШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ

Бўлим фаолияти бўйича вилоят, марказий шаҳар ва туман кутубхоналарида самарали ва ижобий ишлар амалга оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонаси ўлкашунослик шўъбасининг фонди 1379 нусхани ташкил этиб, фан соҳалари бўйича жойлаштирилган. Ўлкашунослик картотоекаси ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида юритилади. Шўъба томонидан “Кутубхоналарнинг ўлкашунослик иши” мавзусида қўлланма тайёрланиб кутубхоналарга тарқатилган. Кутубхонада 17260 нусхадаги ўлкашунослик адабиётлари берилган. 263 та ўлкашунослик сўровлар бажарилган. Шундан 83 та ёзма, 180 та оғзаки. Республика кутубхонаси бўлимга тегишли анча маълумотларни келтиришга ҳаракат қилинган. Лекин Наврўз, Мустақиллик, Хотира ва Қадрлаш кунлари ҳақида маълумотлар берилган. Бу каби маълумотлар ўлкашунослик ишига кирмайди.

Андижон вилоятидаги оммавий кутубхоналарда ўлкашунослик иши бўйича бир йилда 1806 та тадбирлар ўтказилган. Вилоят кутубхонасида ўлка тарихи ва ривожланишига оид 8 марта тадбир ўтказилган. Жумладан, З.М. Бобур таваллуди кунига бағишлаб “Олтин мерос” жамғармаси билан ҳамкорликда “Олтин меросимизнинг буюк сиймоси” мавзусида адабиётлар кўргазмаси, қурилиш коллежи талабалари иштирокида адабий мусиқали кеча ўтказилган. Адабиёт ва санъат музейининг 100 йиллигига “Музейларда мозий яшайди”, А.Бакиров таваллудига “Андижоннинг буюк фарзанди”, вилоят болалар ва ёшлар театрининг 15 йиллигига “Ҳамиша навқирон маскан” мавзуларида варақа ва библиографик обзорлар тайёрланган. Пахтабод тумани марказий кутубхонасида Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишлаб шеърхонлик кечаси ўтказилган.

Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси қошида ташкил этилган Ўлкашунослик библиографияси шўъбасининг фонди 721 нусхани ташкил этади. Фондда вилоят, шаҳар ва туманлар тарихи, санъати, маданияти, қишлоқ хўжалиги, умуман ўлка ҳаётининг барча томонларига оид адабиётлар мавжуд. Ўлкашунослик библиографияси шўъбасида маҳаллий вақтли матбуот нашрлари картотекаси юритилади. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларида нашр қилинадиган ўзбек, тожик ва рус тилларидаги газеталар ва журналлар ўз аксини топган. Жами ўзбек тилидаги журналлар 19 номдан иборат. Кутубхонада 1941 йилдан буён "Бухоро вилоятининг ўлкашунослик картотекаси" ўзбек ва рус тилларида юритилади. Унда қирк мингдан ортиқ ёзув мавжуд. 2005 йил давомида 1021 карточка "Бухоро вилоятининг картотекаси"га жойлаштирилган. Шунингдек, ўлкашунослик матбуот асарларининг ноёб коллекцияси (1921 – 1940 йилларда чоп этилган газеталар) катта илмий қимматга эга. Шарқ адабиётлари бўлимининг нодир қимматбаҳо коллекциясидан Бухорода яшаб ижод қилган жаҳон маданиятининг буюк даҳолари 1016 нусха қўлёзмалари жой олган. Шўъба қошида ташкил қилинган "Ўлка менинг – фаҳрим менинг" клубида ҳар ой машғулот ўтказилиб, турли саналар нишонланади. 2005 йилда Абу Али Ибн Синонинг 1025 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбанд хотира кунлари, Бухоро зардўзлари билан учрашув, Имом ал-Бухорий таваллудининг 1195 йиллигига бағишланган "Ҳадислар – пайғамбаримиз каломи" номли баҳс-мунозара кечаси шулар жумласидандир. Китобхоналарга йил давомида 7831 нусха ўлкашунослик адабиётлари тавсия қилинган, 763 ўлкашунослик маълумотлари бажарилган. "Ўлка матбуот кўзгусида" номли ахборот дайжести, "Ўлка ҳақида янги адабиётлар" ахборот бюллетени, "Ўлканинг табаррук қадамжолари" рукни остида "Асрлардан сўйлар минора" номли буклетлар

тузилган, "Қомусий олим" (Ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига) "Бухоронинг асл фарзанди" (Амир Олимхонга бағишланади) мавзуларида картотекалар юритилган. Ўлкашунослик шўъбасида "Бухоро – Шарқ дурдонаси" номли адабиётларнинг доимий кўрғазмаси йил давомида янги адабиётлар билан тўлдирилган. Вилоят кутубхонасининг Шарқ адабиётлари бўлимида "Ўлкам анъана ва урф-одатлари" мавзусида давра суҳбати ва "Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар" адабиётлар кўрғазмаси олдида шарҳ ўтказилган. Ўлкашунослик-библиографияси шўъбаси турли жамоат ташкилотлари, давлат муассасалари, Бухоро Давлат Университети Ўлкашунослик илмий маркази, музейлар, жамғармалар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, Бухоро ўлкашунослигини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. "Когон – алломалар юрти", "Ғиждувон тарихига бир назар", "Абу Али Ибн Сино 1025 ёшда", "Пойкент - қадимий шаҳар", "Жондорлик қаламкашлар" мавзуларида адабиётлар тавсия рўйхатлари, буклетлар, картотекалар ташкил қилинган. Китобхонларга 1849096 нусхада ўлкашунослик адабиётлари тавсия этилган, вилоят бўйича китобхонларга 15232 маълумот берилган. "Она юртим – Ромитан", "Ўз ўлкангни ўрган", "Она диёрим – шарқ гавҳари" мавзусидаги адабиётларнинг доимий кўрғазмалари йил давомида янги адабиётлар билан тўлдириб борилган. Кўрғазмалардан жами 2238 китобхон фойдаланган.

Жиззах вилоят кутубхонасида китобхонларни вилоят ҳақида турли маълумотлар билан таъминлаш мақсадида бўлимда "Жиззах ва Жиззахликлар", "Джизакская область" ўлкашунослик картотекаларига 3097 та карточкалар тасвирланиб жойлаштирилган. Ўлкашунослик картотекаларини барча марказий кутубхоналарда тўғри юритиш мақсадида "Ўлкашунослик картотекасини тузиш учун классификация жадвали" барча библиограф ходимларга етказилган. Ўлкашунослик библиография хизматини яхшилаш борасида

электрон маълумотлар базасини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Ўлкашунослик бурчагида “Гулла, яшна, Жиззахим менинг” мавзусида адабиётлар кўргазмаси, “Жиззах тарихи бўйлаб”, “Нима?, Қачон?, Қаерда?”, “Шароф Рашидов атоқли ёзувчи ва йирик давлат арбоби”, “Жиззахлик ижодкорлар”, “Жиззах кеча, бугун, эртага” каби йиғма жилдлар ва картотекалар ташкил қилиниб, улар янги материаллар билан бойитиб борилган. Кўргазмалар ёнида обзорлар ўтказиб борилган. Ёзувчи ва драматург Назир Сафаров таваллудининг 100 йиллигига “Истеъдодли публицист ва драматург” мавзусида эсдалик тайёрланган.

Наманган вилоят кутубхонасининг библиография бўлими томонидан ўлкашунослик картотекаси 1967 йилдан буён юритиб келинади. Карточкалар фан соҳалари бўйича жойлаштирилади. Библиография бўлими ходимлари «Гуллар шарҳи Намангонимиз» мавзусидаги кўргазмалар олдида суҳбатлар, библиографик шарҳлар бериб, миллий урф-одатлар, қадимий удумлар, анъаналар ҳақида маълумотлар бериб борганлар. Вилоятда 1961 йилдан буён анъанавий «Гул байрами» ташкил этилади. Бу йил 48-маротаба гул байрами ўтказилган. Ушбу тадбирга кутубхона ходимлари «Ўзалликнинг қиёси гул» мавзусидаги китоб кўргазмаси билан қатнашган. Шунингдек, ҳар қайси кутубхонада «Ўлкамиз суръатлари», «Ўлкам менинг олтин бешигим» «Бизнинг меросларимиз» мавзуларида китоб кўргазмалари, тавсиявий рўйхатлар, картотекалар ташкил қилинган.

Самарқанд вилоятидаги аксарият кутубхоналарда ўлкашуносликка оид адабиётлар умумий фонддан ажратилган ҳолда сақланади. Кутубхоналарда “Ўлкамизга саёҳат”, “Ўлкамизни ўрганамиз”, “Ўлкамиз тарихи” каби мавзуларда кўргазмалар ташкил этилган. Самарқанд ва Пахтачи туман кутубхоналарида “Ганжина” ва “Турон” ўлкашунослар клублари “Ўлкамиз тарихи, бугуни ва келажagini ўрганамиз” шиори остида ўз ишини давом эттирмоқда. Нуробод

туманида “Ҳазрати Довут”, “Аработа” каби тарихий масканлар бўлиб, вилоят кутубхонасининг “Тажриба алмашиш” кўчма семинари зиёратгоҳ атрофида яқин жойлашган 40-тармоқ кутубхонаси негизида ўтказилган. Нарпай туманида ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатиб келмоқда. Музей қошида қишлоқ кутубхонаси ҳам жойлашган бўлиб, улар ҳамкорликда ўлкашунослик ишларини жонлантормоқда.

Тошкент вилоятидаги кутубхоналарда (Оҳангарон туман марказий кутубхонасидан ташқари) ўлкашунослик фондлари алоҳида ажратилмаган. Кутубхона каталогига эса ўлкашунослик бўлимчалари ажратилган. “Она юртим жамоли”, “Ўлкамизни ўрганамиз” мавзусидаги картотекалар юритилади. “Ўлкамиз тарихини ўрганамиз” адабиётлар кўرғазмаси, “Қишлоғимиз тарихини биласизми?”, “Ҳамиша навқирон шаҳрим” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилган. Ўлкашунослик ишини ташкил этиш ва юритишда Зангиота, Чиноз, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Қибрай, Тошкент туманлари ва Чирчиқ шаҳри кутубхоналарининг амалга ошираётган ишлари диққатга сазовор дейиш мумкин.

Фарғона вилоят кутубхонаси ўлкашунослик бўлими фондида 1029 нусхадаги адабиётлар мавжуд бўлиб, шундан 364 нусхаси ўзбек тилида. 12 та номда маҳаллий газета ва журналлар мавжуд. Кутубхоналарда қадимий ёдгорликлардан ўлкашунослик бурчаклари ҳам ташкил қилинган. Ўлкашуносликка оид ишларнинг янги усулларини топиш ва амалда қўллаш борасида вилоят кутубхонаси ходимлари томонидан Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Бағдод, Риштон, Олтиариқ, Ўзбекистон туманлари марказий кутубхоналари учун семинарлар уюштирилиб, бир қанча тавсиялар берилган. Кутубхоналарда “Менинг жонажон ўлкам”, “Туманимиз ижодкорлари”, “Ўлкам менинг олтин бешигим” каби мавзуларда китоб кўрғазмалари ташкил этилган. Риштон тумани Жалоер қишлоғида жойлашган 27-тармоқ кутубхонасида ташкил этилган “Ўлкашунослик бурчаги”

иши ўрганилган ва бошқа кутубхоналарга оммалаштирилган. Бурчакда берилган маълумотлар асосида амалий ўйин ўтказилган. “Ўлкашунослик бурчаги” бўйича ташкил этилган илғор тажриба асосида 12 та кутубхонада ўзаро тажриба алмашув ўтказилган. Тошлоқ тумани 38-тармоқ кутубхонасида “Маҳалламизнинг энг таниқли кишилари” мавзусида учрашув, Олтиариқ туман марказий кутубхонасида “Қишлоғимнинг тарихий обидалари” мавзусида суҳбат, Бағдод тумани марказий кутубхонасида “Бағдодимиз тарихини биласизми?” мавзусида тавсия қўлланмаси тайёрланган.

Хоразм вилоят кутубхонасида “Қадимий ва навқирон Хоразм”, “Воҳамизнинг буюк алломалари”, “Ўлкам менинг олтин бешигим”, “Маъмун академияси 1000 ёшда” мавзулари да кўргазмалар ташкил этилган. Хонқа тумани 5 ва 7-тармоқ кутубхонасида фаолият юритаётган ўлкашунослик клуби аъзолари 9-11 синф ўқувчилари ва китобхонлар билан “Боболар ёққан чироқ”, “Байтул ҳикмат донишмандлар уйи”, “Хоразм шоҳ Маъмун академияси олимлари ҳақида” мавзуларида тадбирлар ўтказилган. Тадбирда ўлкашунослик бўйича тайёрланган альбом ва плакатлар ҳамда “Тарихни билиш ўзликни билиш демакдир” мавзусидаги адабиётлар кўргазмаси намойиш этилган. Эркин Самандарнинг 70 йиллигига бағишлаб клуб аъзолари иштирокида учрашув кечаси ўтказилган. Кечада ёзувчи ва шоир қаламига мансуб асарлардан иборат кўргазма ва “Ўлкамиз тарихига бир назар”, “Ўз юртингни биласанми?” мавзуларида адабиётларнинг тавсия рўйхатлари китобхонларга тақдим этилган.

Юқорида номи келтирилмаган Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар кутубхоналарининг бўлимга тегишли маълумотлари қисқа, етарли даражада ёритилмаган. Айрим кутубхоналарнинг ахборотларидаги бўлимга тегишли маълумотларида ҳар йилги келтириб ўтилган

ҳолатлар қайтадан такрорланган. Жумладан, Мустақиллик, Навруз, Конституция ва бошқа байрамларнинг нишонланиши тўғрисидаги маълумотлар ўлкашунослик бўлимига киритилган. Бундан кўринадики, айрим вилоятларда ўлкашунослик бўйича кутубхоналарда олиб борилаётган ишлар қониқарли даражада эмас ҳамда библиограф мутахассислари билан етарли даражада таъминланмаган. Шунингдек, обзорда кўрсатиб ўтган камчиликларга кутубхона раҳбарлари етарлича эътибор беришмайди. Тошкент вилоятидаги туман ва шаҳар кутубхоналарида ўлкашунослик картотекалари кутубхона каталогига эмас балки ўлкашунослик ишини тарғиб қилиш мақсадида алоҳида ташкил этилиши шарт. Ўлкашунослик картотекаси туман ва шаҳар кутубхоналари учун ҳам юритилиши мажбурий. Ўйлаймизки, кейинги йилларда барча кутубхоналарда ўлкашунослик иши янада ривожланади, бўлим ишини қониқарли даражада олиб боришда оқсаётган вилоят кутубхоналарининг ишлари эса илғорлар қаторида тилга олинади, деб умид қилиб қоламиз.

#### КУТУБХОНА ХОДИМЛАРИ

Республикамизнинг 16000 мингдан ортиқ кутубхоналарида 24000 га яқин кутубхона ходимлари иш олиб бормоқда. Шундан 6000 дан ортиқ ходим олий маълумотли, 2500 га яқин ходим олий махсус кутубхоначилик, 12000 га яқини эса ўрта махсус кутубхоначилик маълумотига эга ходимлардир.

2005 йилда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги оммавий кутубхоналарнинг ходимлари сони 10386 нафарни ташкил этади. Шундан 2120 нафари олий, 1550 нафар олий махсус кутубхоначилик, 4916 нафари эса ўрта махсус кутубхоначилик маълумотига эга ходимлардир.

## ХУЛОСА

Ушбу обзорда жорий йилда кутубхоналарнинг иш тажрибалари, ютуқлари, имкониятлари, муаммо ва камчиликлари тўғрисида ахборот беришга ҳаракат қилдик. Ҳар йилги анъанамизга кўра бошқа вилоят кутубхоналарининг ишини камситмаган ҳолда ушбу йилда Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоят кутубхоналарининг ахборотларини 2005 йилнинг энг яхши ёритилган ахборотлари деб баҳоладик.

Бўлимларда келтириб ўтилган илғор иш тажрибалардан: Қорақалпоғистон Республикаси Республика кутубхонасининг китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими ходимлари томонидан ногирон, кекса китобхонларга китоб элтиб бериш хизмати ташкил этилиши, Бухоро вилоят кутубхонасига маҳаллий нашриётлар томонидан чоп этилаётган маҳсулотлардан мажбурий нусха олиниши, "Вилоятнинг энг намунали кутубхонаси" кўрик-танловнинг ўтказилиши, Андижон вилоят кутубхонасининг кутубхона фондини янги адабиётлар билан тўлдиришда ҳомийлар кўмагидан фойдаланиши ва вилоят, шаҳар, туман марказий кутубхоналарида оммавий тадбирларнинг янги шакллари "Хотира соати", "Иқтисодиёт соати" ва "Заковат" интерфаол ўйинларининг ўтказилиши, Наманган вилоят кутубхонаси қошида «Шаҳризода» қизлар клуби, вояга етмаган ўсмирлар учун «Маҳорат мактаби» ҳунар ўргатиш маркази, «Компьютер сабоқларини ўргатиш ва Интернетга чиқиш» марказларининг фаолият кўрсатиши, Тошкент вилояти Бекобод шаҳар кутубхонасида ёшларни атроф-муҳит ва табиатни эъзозлашга ўргатиш мақсадида "Экология декадаси"нинг ташкил қилинганлиги, Фарғона вилоят кутубхонасида ногиронларга хизмат кўрсатувчи шўъба ташкил этилганлигини келтириш мумкин. Бундай илғор иш тажрибалар билан биргаликда кутубхоналарда ток-шоу,

брейн-ринг, “Заковат” каби ноанъанавий тадбирларнинг ташкил этилаётганлиги ва тадбир китобхонлар билан ишлашда самарали натижа бераётганлиги сабабли юқорида келтириб ўтилган илғор иш тажрибаларни ҳамда ноанъанавий тадбирларни бошқа кутубхоналар ҳам амалда қўллайдилар деган умиддамиз.

Ҳозирги даврда кутубхоналар иш жараёнларини автоматлаштириш долзарб вазифалардан биридир. Вилоят оммавий кутубхоналар иш жараёнларини автоматлаштириш бўйича бир қанча самарали ишлар амалга оширилди ва бу иш давом эттирилмоқда. Лекин китобхонларга хизмат кўрсатишда бу жараёнлардан ҳалигача фойдаланилмапти. Ахборотларда ҳам бу тўғрисида маълумотлар берилмай келмоқда. ИРБИС дастури орқали электрон каталог тузиш ишлари кўпчилик вилоят кутубхоналарида яқунланиш арафасида турганига қарамай китобхонларнинг фойдаланиши учун берилмаган. Балки, компьютер хотирасига киритилган бу маълумотлардан китобхонларнинг фойдаланиши учун қулайлик яратиш зарур.

Шу йил Президентимизнинг 20 июнда “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида” Қарори эълон қилинди. Қарорга асосан оммавий кутубхоналар негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Қарорда замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш асосий вазифа қилиб белгиланган. Ўйлаймизки, ахборот-кутубхона марказларининг кейинги йилдаги ахборотларида кутубхоналарни автоматлаштириш жарёни ҳамда Қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳақида маълумотлар берилади.

Обзорда кутубхоналарнинг 2005 йилдаги фаолиятини ёритилганлиги сабабли юқорида номи келтирилган марказлар тўғрисида тўхталмадик. 2006 йилда бироз ўзгартириш ва қўшимчалар билан обзор давом эттирилади.

**1-жадвал**

**Республика оммавий кутубхоналарининг 1995 – 2005  
йиллардаги асосий кўрсаткичлари**

<b>Асосий кўрсаткичлар</b>	<b>1995 йил</b>	<b>2005 йил</b>
Кутубхоналар сони	6725	5745
Шу жумладан қишлоқда	5725	--
Кутубхоналар фондининг миқдори (минг нусхада)	80727.9	54899.4
Шу жумладан қишлоқда	48560.7	--
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилидаги адабиётлар	36435.6	33146.9
Шу жумладан қишлоқда	29120.5	--
Олинган янги адабиётлар	1801.7	311.3
Шу жумладан қишлоқда	629.9	--
Умумий сонга нисбатан ўзбек тилида	497.1	260.4
Шу жумладан қишлоқда	332.4	--
Аҳолининг бир кутубхонага тўғри келадиган ўртача сони	3421	
Шу жумладан қишлоқда	2476	
Китобхонлар сони (минг киши)	6329.2	5465.5
Шу жумладан қишлоқда	4424.7	--
Бир кутубхонада ўртача китобхонлар сони	941	951
Шу жумладан қишлоқда	772	--
Бир кутубхона учун китобларнинг ўртача сони	12.0	9.5
Шу жумладан қишлоқда	8.4	--
Бир киши учун китобларнинг ўртача сони	3.5	
Шу жумладан қишлоқда	3.4	
Ўртача китоб ўқилиши	21	18.3
Шу жумладан қишлоқда	20	17.8
Умумий китоб берилиши	132645.7	98216.3
Шу жумладан қишлоқда	90132.0	--
Ўзбек тилидаги китобларнинг берилиши	92187.2	74120.9
Шу жумладан қишлоқда	76145.1	--
Китоб айланиши	1.6	1.3
Кутубхоначи ходимлар сони	12283	10386
Шу жумладан қишлоқда	7564	--
Олий махсус маълумотли кутубхоначи ходимлар сони	2629	1550
Шу жумладан қишлоқда	1210	---
Ўрта махсус маълумотли кутубхоначилар сони	4714	4916
Шу жумладан қишлоқда	3382	--
Тўлиқ таъмирлашни талаб қилувчи кутубхоналар сони	1043	
Шикастланган биноларда жойлашган кутубхоналар сони	189	

3-жадвал

## Мундарижа

Кутубхоналар фаолияти ҳақида маълумот	3
Кутубхоналар фондини ташкил қилиш ва у билан ишлаш	4
Китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш	9
Ташкилий методик ишлар	17
Методик қўлланмалар ва уларнинг самарадорлиги	24
Справка-библиография ва ахборот ишлари	25
Ўлкашунослик фаолияти	32
Кутубхона ходимлари	38
Хулоса	39
Жадваллар	41

Босишга рухсат этилди 2006 йил 24 Ноябрь  
Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> нашр. т. 2.75 Адади 200 нусха.  
Буюртма №

---

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида  
чоп этилди